



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 25 июль, № 142 (4041)

Сешанба

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Ислом
Каримов 21-22
июль кунлари
Россия Феде-
рацияси пой-
тахти Москва
шаҳрида бўлиб,
Мустақил
Давлатлар
Ҳамдўстлиги
Давлат
раҳбарлари
кенгашининг
норасмий
саммитида
иштирок этди.



МДҲНИНГ МОСКВА САММИТИ

Кремльда Россия Фе-
дерацияси Президенти
Владимир Путин,
Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президенти
Ислом Каримов, Озар-
бойжон Республикаси
Президенти Илхом
Алиев, Беларусь Рес-
публикаси Президенти
Александр Лукашенко,
Молдова Республикаси
Президенти Владимир
Воронин, Тожикистон
Республикаси Президенти
Имомали Рахмонов, Қозоғистон
Республикаси Президенти
Нурсултон Назарбаев ва Қирғизис-
тон Республикаси Президенти
Курманбек Бакиев йиғилдилар.
Музокарада МДҲни
ислоҳ қилиш ва Ҳам-
дўстлик доирасида гу-

манитар ҳамкорликни
ривожлантиришга оид
масалалар муҳокама
қилинди. Аъзо давлат-
лар ўртасидаги икки
томонлама ва кўп
ёқлама муносабатлар-
ни янада мустақамлаш
юзасидан фикр алма-
шилди.
Таъкидланганидек,
аъзо давлатлар ўртаси-
да қарийб барча соҳа-
лардаги ҳамкорлик
алоқаларини ривож-
лантиришга хизмат
қилиши лозим бўлган
мазкур ташкилотнинг
салоҳияти тўла ишга
солинмапти. Бу, авва-
ло, аъзо давлатларнинг
муайян масала юзаси-
дан келишувга эриши-
шининг қийинлиги бил-
лан боғлиқ. Бунга эр-
кин савдо зонаси би-

лан боғлиқ масала
неча йилдан буён
ечим топмаётгани ми-
сол бўла олади.
Қолаверса, турли бю-
рократик тўсиқлар, са-
мара бермаслиги ав-
валдан аён бўлган та-
шаббусларни илгари
суриш орқали сиёсий
обру ўрнтиришга ури-
нишлар, айрим шарт-
нома ва битимларнинг
қоғозда қолиб кетаёт-
гани ҳам МДҲнинг ри-
вожига тўсиқ бўлмоқда.
Гуманитар ҳамкор-
лик Ҳамдўстликни ри-
вожлантиришда муҳим
ўрин тутди. Илм-фан
ва таълим, маданият ва
санъат, спорт, соғлик-
ни сақлаш соҳалари ва-
килларининг бевосита
алоқаларини рағбат-
лантириш ва қўллаб-

қувватлаш давлатлар-
аро муносабатларни
ривожлантиришга хиз-
мат қилади. Москва
саммити қатнашчилари
гуманитар соҳадаги
ҳамкорлик алоқалари-
ни янада мустақамла-
лашга оид масалани
атрофича муҳокама
қилдилар.
Россия Президенти
В.Путин учрашув қат-
нашчиларини "Катта
сақизлик" мамлакат-
ларининг Санкт-Пете-
бург шаҳрида бўлиб
ўтган саммити якунлари
билан таништирди.
Унда қўрилган масала-
лар — энергетик хавф-
сизликни таъминлаш,
фан-таълим ва юқори
технологияларни ри-
вожлантириш, юқумли
касалликларга қарши

кураш каби дунёвий
муаммоларнинг ечими
Ҳамдўстлик доирасида
ҳам долзарб.
Москва сафари чо-
ғида Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти
Ислом Каримов Қир-
ғизистон Республикаси
Президенти Курманбек
Бакиевни ўз қарорго-
ҳида қабул қилди. Қир-
ғизистон раҳбарининг
илтимосига биноан
бўлиб ўтган мазкур
учрашувда мамлакатла-
римиз ўртасидаги икки
томонлама муносабат-
ларнинг бугунги аҳо-
ли ва истиқболларига
доир масалалар муҳо-
кама қилинди.
Анвар БОБОВЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.
Фарҳод ҚУРБОНОВЕВ
олган сурат.

Келажак авлодларнинг Бахт-саодати йўлида

1 сентябргача ҳали бир ойдан кўпроқ вақт бўлса-да, Тошкентга мамлакатимиз раҳбарияти ва халқи номига Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан йўланган табрикномаларнинг келиши бошланди. Улардан бири Токиодан, «Сока Гаккай Интернэшнл» халқаро буддавийлар ташкилотининг президенти Дайсаку Икедадан келди.



«Мухтарам Президент Ислом Каримов, Сизнинг инсонпарварлик идеалларига асосланган оқилона раҳбарлигиниз остида ўз мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон Республикасини ушбу қутлуғ айём билан табриклашга ижозат бергайсиз, — деб ёзади ўз мактубида жаноб Икеда. — Мамлакатингизнинг самимий мухлисларидан бири сифатида мен бу тарихий сана нишонланаётганидан бағоят мамнунман.

Яқинда каминага буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг номи берилган шаҳарнинг фахрий фуқароси, деган унвон тақдим этилгани тўғрисида хабар олганимни Сизга етказиш мен учун шарафдир. Бу масала борасида Сизнинг шахсий қўллаб-қув-

ватлашингиз ҳамда менга нисбатан бўлган дўстона эътиборингиз учун чуқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.
Ушбу фурсатдан фойдаланиб, 2004 йил март ойда Ўзбекистон ҳукумати томонидан бизнинг Сока университетимизга тақдим этилган бебаҳо совға — Алишер Навоий ҳайкали учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этишни истар эдим. Университет профессор ва талабалари Ўзбекистон халқининг буюк ўғлини сиймосига чуқур эҳтиром кўрсатишади. Ушбу ёдгорлик халқларимиз инсонпарварлик ва маънавий уйғунлигининг, маданият ва таълимни ривожлантиришга бўлган биргаликдаги интилишларимизнинг рамзидир.
Буюк файласуф, шоир

Бугун кўҳна Самарқанднинг ҳар бир маҳалласида, томошагоҳларию боғларида кўтаринки кайфият ҳукм сурмоқда. Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллик байрам тантаналарига қизгин тайёргарлик кетмоқда.

«Меҳринг билан яшаймиз, Ватан!»

Ана шундай шуқуҳли онларда Ўзбекистон телерадиоканали ва Самарқанд вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан «Меҳринг билан яшаймиз, Ватан!» байрам шоусининг ташкил этилиши энг улғу ва энг азиз байрамимиз нафаси яқинлашиб қолганлигидан дарак берди.
Тошкентдан келишган санъаткорлар, журналистлар кўҳна шаҳарнинг тарихий обидалари, зиёратгоҳларида бўлишди, одамлар билан суҳбатлашди.
Кечки пайт байрам шоу тантаналари шаҳарнинг сўлим оромгоҳи — «Муъжиза» амфитеатрига кўчди. Унда кенг шаҳар жамоатчилиги иштирок этди.
— Мустақиллик халқимиз учун беқиёс имкониятлар яратди, — деди вилоят ҳокими

нинг ўринбосари Зоир Мирзаев байрам қатнашчиларини табриклар экан. — Мамлакатимиз салоҳиятининг йил сайин ошиб бораётганидан барчамизнинг қувончимиз чексиз. Бу, аввало, Ўртбошимиз раҳнамолиги ва сиз азизларнинг фидокорона меҳнатингиз натижаси, албатта.
Байрам шоуда Фуқрат Мирзаев, Мардон Мавлонов, Ирода Искандарова, Гулбахор Эркуллова, Гулбахор Сулаймонова, Сайёра Қозиева, Нилуфар Умарова, Шухрат Каюмов, Дилфуза Раҳимова каби таниқли санъаткорлар чиқиси томошабинлар томонидан илиқ кўтиб олинди.
Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Диққат: танлов!
Мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисида энергия ресурслари, биринчи ғалда, кўп миқдорда энергия сарф этидиган тармоқлар, электр энергетикаси ва бошқа соҳаларда тежамкорликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш устувор вазифа эканлигини таъкидлаб ўтганди. Дарҳақиқат, энергия сарфи кўп бўлган тармоқларда, айниқса, энергетика комплексиди ушбу масала бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Тежамкорлик учун рағбат

«Ўзбекэнерго» ДАК «Эко-сан» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида электр қувватидан оқилона фойдаланиш, энергия ресурсларини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш; шунингдек, истеъмолчиларни рағбатлантириш мақсади билан қаратилган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишни таъминлаш» ва рақобатбардош ускунани яратиш» танловини эълон қилди.
Утган ҳафта ана шу танловнинг тақдиротига ба-ғишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз сановат корхоналариди энергия сарфи жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан 2-2,5 баробар ортқ эканлиги таъкидлаб ўтилди ҳамда иқтисодийнинг турли тармоқларига электр қувватини тежайдиган ускуна ва жиҳозларни татбиқ этиш, электр энергиясидан фойдаланишни ҳисоб-китоб ва назорат қилиш қондаларини тақомиллаштириш, замонавий ўлчов асбобларини ўрнатилиш ҳамда тежамкорликка эришган истеъмолчиларни рағбатланти-

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Андижонда ўтган вилоят фаолларининг йиғилишида жорий йилнинг биринчи чорағида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари сарҳисоб қилиниб, келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Андижон вилояти ҳокими С.Бегалиев бошқарган йиғилишда биринчи ярим йиллик мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги каби андижонлик меҳнаткашлар учун ҳам муваффақиятли якунлангани қайд этилди. 6 ой ичида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 9,5 фоизни ташкил этди, сановат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,5 фоизга ошди. Халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, ташқи савдо айланмаси каби қатор кўрсаткичлар бўйича ҳам муваффақиятга эришилди. Ҳисобот даврида 30 миңдан ортиқ янги иш жойи ташкил этилди. Давлатга пилла, ғалла сотиш шартнома мажбуриятлари ортиғи билан бажарил-

ди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажми ортмоқда.
Банкларга нақд пул маблағларини жалб қилиш ҳажми, вилоят бюджетини тўлдириб бўйича прогноз кўрсаткичлари ошди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сони 3,8 баравар кўпайди. Учта коллеж фойдаланишга топширилди, 20 мактаб капитал таъмирланди, қатор болалар спорт майдончалари реконструкция қилинди ва янги спорт заллари барпо этилди.
Шу билан бирга, иқтисодийёт соҳасида белгиланган айрим кўрсаткичлардан ортда қолиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, «Кўргонтөпа пахтани қайта

ишлаш заводи», «Марҳамат ип йиғирув-тикув», «Электродвигатель», «Семург» каби 12 сановат корхонасида ишлаб чиқариш суръатининг пасайишига йўл қўйилган. Инвестиция киритиш мажбурияти билан хусусийлаштирилган бешта корхона эгалари ўз мажбуриятларини бажармади.
Йиғилишда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришга оид масалада ҳам алоҳида сўз юритилди. Қатор корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари йўл қўйилган камчиликлар учун асосли равишда танқид қилинди.
Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.
С. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция Сенатининг Молия бўйича комиссияси раисининг ўринбосари Эмери де Монтекью бошчилигидаги делегация 24 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

ФРАНЦИЯ СЕНАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКISTONДА

Учрашувда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига доир масалалар муҳокама қилинди. Ҳамкорликни мустақамлаш ва янада кенгайтиришда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар

ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон ва Франция парламентларо ҳамкорлик алоқаларига доир масалалар муҳокама қилинди. Ҳамкорликни мустақамлаш ва янада кенгайтиришда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар

(ЎзА).

АВБАТДАГИ СОНЛАРДА

«БИР ПИЁЛА СУВИМИЗГА АЛИШМАЙМАН»
Ўхшас мусофирликдаги кечинмалар

Ярим йиллик якунлари:
КИМДА — НАТИЖА,
КИМДА — БАҲОНА

ЗИЁРАТГОҲЛАР ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДАМИ?



ИПОТЕКА BANK

... шундай пайтлар бўладики, кутилмаган харидлар бизга қувонч бахш этади

«Ипотекабанк» пластик карточкалари — бу сизнинг махсулотлар харидида янги имкониятларингиз. Карточкани расмийлаштириш ва уни қўллашнинг энг осон йўллари таклиф этилади. Ўзбекистон бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган 13000 дан ортик терминаллар сизнинг хизматингизда.

Хизматлар лицензияланган
WWW.IPOTEKABANK.UZ

ЎСМИРЛАРГА ҲУҚУҚИЙ ЁРДМ

Нукус шаҳрининг Жийдали-Бойсун маҳалласи милиция таъин пунктлари вояга етмаган ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни қўйиштириш, уларни спорт тўғрисида қўйиштириш ва уларнинг ҳаётини яхшироқ қилиш мақсадида «Доха — 2006» ўйинлари ташкилий кўмитаси томонидан «Осиё болалари» расмлар танлови эълон қилинган.

Май ва июнь ойларида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси томонидан кўрик-танловнинг минтақавий босқичи ўтказилди. Танловнинг мақсади кўриқ-танловнинг минтақавий босқичи хайъати Шахноза Аъзамжўева, Динара Муҳаммадхўжаева ва Юлия Скоробогатова чизган расмларни гўлиб деб, топди. Улар Миллий Олимпия қўмитаси томонидан таъсис этилган махсус совға билан тақдирланди.

Энди финалга чиққан уч нафар иштирокчи чизган расм «Осиё болалари» кўрик-танлови ташкилий кўмитасига юборилди. У ерда биринчи ўринни қўлга киритган расм муаллифи ташкилий кўмита томонидан тақдирланди ва ушбу асар Дохадаги Осиё ўйинларига бағишланган махсус кўрғазмага қўйилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЕРДАН УЗИЛСА

жиноятга йўл очилади, ишончга путур етади

томонидан етказиб берилмасдан юз фоиз пулни «Томчагросервис» ҳисоб рақамига ўтказиб юборди. Аслида эса шартномада кўрсатилган махсулотлар етказиб берувчи ташкилот томонидан компания омонига келтирилиши, сўнгра қурилиш режалаштирилган иншоотга етказилиши керак эди. Аммо Х.Рамазоновнинг кўрсатмаси билан компаниядан пул ўтказиб юборилган эди. Пул ўтказилган, эртапи-кечми, ускуналар етказиб берилса бас, ҳаммаси яна ўз изига тушиб кетар, шунга ҳам шунчаки, деб уйланишнинг мумкин. Лекин афсуски, «Томчагросервис» томонидан шартномада кўрсатилган ускуналар тегишли иншоотга етказиб берилмаган. «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси омондор мудири Р.Тошпўлатовнинг айтишича, «Томчагросервис» ускуналарни компания омонига келтирмаган. Давлатнинг миллион-миллион сўм маблағини чўнтагига осонгина урганга жиян шартномани ҳатто унутиб юборди. (Тога виллоят ҳокими ўринбосари бўлган, унинг мушунини биров пишт депирмиди?)

Утказилган тафтишлар на-тижасида маълум бўлишича, Рамазонов «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясининг ҳатто молиявий-ҳўжалик ишларига аралашиб, унинг директори И.Аллакуловага виллоят ҳудудида қуриладиган касб-хўналар коллежлари учун давлат стандартларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуналарни харид қилишга кўрсатма бериб келган, тўғриси, мажбур қилган. Тафтиш натижаларига кўра, биргина 2004 йилда «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан давлат стандартла-публикамазда касб-хўналар коллежлари учун (нафақат коллежлар, балки мактаб, лицейлар учун) ажратилган маблағларнинг барчаси ҳам уша иншоот учун сарфланмаётгани, миллиардлаб пул сарфланганда-да, бинолар чала қурилиб, аро йўлда қўлиб кетаятириб жавоб бермайдиган асбоб-ускуналарни харид қилишга кўрсатма бериб келган, тўғриси, мажбур қилган. Тафтиш натижаларига кўра, биргина 2004 йилда «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан давлат стандартла-

бир пайтлар катта пора эвазига мансабга тайинланган Т.Исмоилов, Н.Абраевлар ҳам «Уз аризаси»га мувофиқ, бир йил ўтар-ўтмас лавозимидан бўшатирилган. Х.Рамазоновнинг йўриғига юрмаганлардан бири виллоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармасининг собиқ бошлиғи Х.Эрдон бўлди. Х.Рамазонов виллоят ҳокими ўринбосари бўлган, Эрдоннинг қонунга зид топшириқлари-ю кўрсатмаларига қўнма олмади. Ўз виллоятга қарши бормади. Аризасини ёзиб, ишдан бўшади-қўйди. «Сари-

осиёсаноатқурилиш» МЧЖ раҳбари М.Қосимовнинг кўрсатмаси билан, Рамазонов учун қуриладиган янги уйга, унинг кўрсатмаси билан бир неча бор қурилиш материаллари жўнатиб юборган. Рамазонов Термиз шаҳар ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари К.Утаев зиммасига эса уйда бўлаётган қурилиш ишлари харажати тўлашни юқлайди. Аммо Утаев виждонли, ҳалол бўлиб чиқди. Рамазоновнинг бу топшириғини ба-жармади.

Узини хон, қўланқасини майдон билан Х.Рамазонов бир нарсани — талон-торож қилинаётган миллион-миллион маблағлар учун бир кун келиб қонун олдида жавоб беришини унутган эди.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё виллоят суди Холбой Рамазоновнинг жиноятини ўрганиб чиқди. У мансаб ваколатини суниётасан қилиб, жуда кўп миқдорда давлат пулини талон-торож қилиб қўлга олиб, мансабдор шахс бўла туриб, тамағирлик йўли билан жуда катта миқдорда пора олиш жиноятларини содир этганини аниқлаб, айбдор деб топилди ва 11 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Суд ҳукмига кўра судланувчи Х.Рамазонов қонандондан олинган 7340 АҚШ доллари, Т.Исмоиловдан олинган 2

сабоқ қақаришса, нур устига ало нур бўларди.

Ш.ШАРИПОВ.

Маълумки, жорий йилнинг декабрь ойида Қатар пойтахти Дохада XV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Унда қитъамизнинг 44 давлати вакиллари спортнинг 39 тури бўйича ўзаро беллашадилар.

Мутлақ Гўлиб Қатарда Аниқланади



Осиё халқларини бирлаштирувчи ушбу турнир янада қизиқarli ўтказиш мақсадида «Доха — 2006» ўйинлари ташкилий кўмитаси томонидан «Осиё болалари» расмлар танлови эълон қилинган.

Май ва июнь ойларида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси томонидан кўрик-танловнинг минтақавий босқичи ўтказилди. Танловнинг мақсади кўриқ-танловнинг минтақавий босқичи хайъати Шахноза Аъзамжўева, Динара Муҳаммадхўжаева ва Юлия Скоробогатова чизган расмларни гўлиб деб, топди. Улар Миллий Олимпия қўмитаси томонидан таъсис этилган махсус совға билан тақдирланди.

Энди финалга чиққан уч нафар иштирокчи чизган расм «Осиё болалари» кўрик-танлови ташкилий кўмитасига юборилди. У ерда биринчи ўринни қўлга киритган расм муаллифи ташкилий кўмита томонидан тақдирланди ва ушбу асар Дохадаги Осиё ўйинларига бағишланган махсус кўрғазмага қўйилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Қашқадарё виллоят ҳокимлиги ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

2006 йилда режалаштирилган қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

1. Қарши шаҳридаги 1330 ўқувчи ўрилли 1-сонли мактаб-гимназияни капитал таъмирлаш. Қурилиш муддати — 80 кун. Бошланғич нархи — 402 838 749 (ҚҚС билан) сўм.
2. Қарши шаҳридаги кўзи оқизлар жамиятининг ишлаб чиқариш ва маъмурий биносини реконструкция қилиш ва кенгайтириш. Қурилиш муддати — 95 кун. Бошланғич нархи — 765 528 902 (ҚҚС билан) сўм.

Буюртмачи — Виллоят ҳокимлиги ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Манзил: Қашқадарё виллоят, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй. **Телефонлар:** (8-375) 227-16-56, 227-19-82, 227-18-95. **Қурилиш ишларини молиялаштириш** — марказлаштирилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги талабларга мос келиши шарт: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорда бўш айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уйда** жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: 221-07-79.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўн 25 кунгача сотиб олиш мумкин. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачи биносиде, қуйидаги манзилда ўтказилади: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚўМИТАСИ

ДИЗЕЛЬ ГЕНЕРАТОРЛАРИ МОСЛАМАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БўЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Техник ҳужжатлар 2006 йил 20 августгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 3.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини тайёрлаш бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 120-76-60, оператор 120-76-00, ички рақам 26-08, 26-11.

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!

Истагимиз — ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объектов любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы охраны периметров
Навигационные системы

Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок

Контроль местонахождения транспортных средств
Контроль расхода топлива

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site: www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лицензия КМ №000390 (проектирование).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВАРХИТЕКТУРИЛИШ ҚўМИТАСИ

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ҚУРУВЧИЛАР, ЛОЙИҲАЧИЛАР, ИНВЕТОРЛАР ВА БУЮРТМАЧИЛАР УЧУН

«Марказ...» томонидан чоракли информацион «Ўзбекистон Республикаси қурилиш ишлаб чиқаришида ишлатилмаган материал-техник ресурсларнинг жорий нархдаги каталоги»нинг 2006 йил апрель-июнь сони тайёрланди ва нашр этилди.

«Каталог...» Республикада ягона бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва четдан олиб келинаётган махсулотларнинг бир ўлчови миқдорига минтақалар бўйича очик шартномавий жорий нархлари кўрсатилган. «Каталог...»га Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарувчи 239 та ташкилот жалб этилган бўлиб (АЖ, ОАЖ, ҚҚ, ХФ, МЧЖ ва бошқалар), унда қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмлари, асбоб-ускуналар, жиҳозларнинг 8200 та номи берилган.

«Каталог...»да капитал қурилишдаги доллар маблағларини эритувчи «Савол-жавоб» ва «Янги технологиялар ва материаллар» бўлимлари бор.

Аниқ маълумотлар бизнинг сайтда www.stroyinfo.uz.

«Каталог...» шартнома асосида нақд пул ўтказиш йўли билан тарқатилади.

Диққат! Нусхалар сони чегараланган ва олдиндан келишилган сўров бўйича кейинги чорак учун тузилган шартнома асосида бажарилади.

7000 11, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Тел.: 144-08-89, 144-07-74.
E-mail: stroyinfo@postlink.net www.stroyinfo.uz

Очик шартномавий нархлар — бозор иқтисодиёти муносабатларининг очик-ойдин асосидир.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАКТОРИЛИГИНИЗ КАЛИТИДИР!

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама
Бизнинг бизнинг қўлаб-қўлланган!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

